


Иорданияда Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф хотираларига бағишланган конференция ўтказилди



14:39 / 14.03.2020 2780

Иордания Оли Байт "Исломий тафаккур" қироллик академияси 11 март куни халқаро ислом билимлари университетиде академия аъзоси фазилатли шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф ҳазратларининг хотираларига бағишланган конференция ўтказди. Унда бир қанча мусулмон уламолари университет ректори ва академия уламолари кенгаши раиси қатнашди. Конференцияда шайх ҳазратларининг таржимаи ҳоллари ислом оламида тутган ўринлари ва умматга тақдим қилган хизматлари зикр қилинди.



Академия шайх ҳазратлари номларидан 14 та хайрия лойиҳа амалга оширишга қарор қилди. Аллоҳ бу хайриялардан пайдо бўлган савобларини шайх ҳазратларининг руҳларига етказиб садақаи жория сифатида қабул охираатдаги мақомларини юксалишига сабабчи қилсин.

